

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

“Мен англаган заёт  
зақиқати”

Инсон имон ва адолат билан тирик. Адолатни эътиқодга айлантирган, адолат йўл-йўриқлари, қонун-қондаларига амал қилиб яшган, адолат учун курашган ҳар бир одам икки дунё саодатида мушарраф бўлади.

ОДИЛ ЁҚУБОВ

2019 йил 26 март

сешанба № 12 (1164)

e-mail: insonvaqonun@adiya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/

## Юртимизда гўзаллик, тинч-тотувлик, ризқ-барака тимсоли — Наврўз тантаналари давом этмоқда



ЎЗА фотомухбири  
Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

САЙЁР ҚАБУЛ

### Халқ билан мулоқот: 400 ДАН ОРТИҚ МУРОЖААТ кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонасида Президент Администрацияси томонидан сайёр қабул ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари, вилоят судлари раислари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Барча даражадаги раҳбарларнинг аҳоли билан бевосита мулоқот қилиши, айниқса, сайёр қабуллар орқали мурожаатчилар хузурига бориши уларнинг адолатга, давлатга, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, очиқ мулоқотларда аҳолига муносиб иш ва турмуш шароити яратиш борасида бор куч ва имкониятлар ишга солинаётди.

Бундай сайёр-ҳаракатлар фуқароларда амалга оширилаётган ислохотларга

дахлдорлик туйғусини юксалтириб, ҳаётга муносабатини тубдан ўзгартириш, яратувчанлик ва ташаббускорлигини оширишга замин яратмоқда.

Тошкент вилоятида ҳам мурожаатлар билан ишлаш тизими сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятдаги Халқ қабулхоналари, турли вазирлик ва идора раҳбарлари томонидан ўтказилаётган сайёр қабуллар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг дастлабки 2 ойида 5 минг 600 жисмоний ва юридик шахс вилоят, туман ва шаҳарлардаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига мурожаат қилган. Мурожаатларнинг 3 минг 500 дан ортиғи, яъни 63 фоизи қаноатлантирилган.

Шу даврда вилоятда 530 дан ортиқ сайёр қабул ўтказилиб, 4 минг 500 дан зиёд мурожаат қабул қилинган. Уларнинг

қарийб 2 мингтаси қаноатлантирилган.

Сайёр қабулда аҳоли мурожаати мазмунидан келиб чиқиб, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Улғубек Муҳаммадиев, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Қозимжон Комилов, Бош прокурор Отабек Муродов, адлия вазири Русланбек Давлетов, ички ишлар вазири Пулат Бобожонов, Тошкент вилояти ҳокими Фуломжон Ибрагимов, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари қабул қилди.

— Турмуш ўртоғим Мирзо Улғубек туманида нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланар эди. — дейди Мукаррам Нуралиева. — Тақдир экан, 2007 йилда бевақт қазо қилди. Шундан сўнг давлат нотариуси томонидан турмуш ўртоғим бошқарувида бўлган “Дон-нон” МЧЖ устав фонднинг 87 фоиздан зиёди оиланинг меросхўрлари сифатида қизим иккаламизга ажратилиши белгиланди. Лекин турмуш ўртоғимнинг ўрнини эгаллаган собиқ ўринбосари оиламизга тегишли бўлган мазкур улушни ўз фойдасига ўзлаштириб олди. 10 йиллик чопа-чоплардан сўнг, ниҳоят адолат қарор топди. Унга нисбатан ўтган йили Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши очилди. Бош прокурорга мана шу масала юзасидан мурожаат қилиб, қўзғатилган мазкур жиноят ишини ўз назоратига олишини ва адолат тўлиқ қарор топишида амалий ёрдам беришини сўрадим.

Сайёр қабулда ҳар бир мурожаатчи-


нинг арзу ҳоли тингланиб, эътирозга сабаб бўлган ҳолатлар чуқур таҳлил қилинган ҳолда уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Аксарият мурожаатларда келтирилган қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммолар жойида ҳал этилди.

— 2000 йилдан буён оилам билан Ҳақиқат кўчаси, 86-уйда яшайман, — дейди Чирчиқ шаҳридан Бахтиёр Ҳасанов. — Уша йили шу уйни сотиб олиб, ҳужжатларини расмийлаштиришни бошладик. Кўчамиз бузилиши мумкинлиги важи билан бу жараён пайсалга солинди. Оқибатда уйнинг электр, газ, сув ва бир қатор ҳужжатлари менинг номимга ўтгани ҳолда, уйга эгалик ҳуқуқи берилмади. Ҳозир уйимиз эгасиз. Чунки собиқ эгаси уни менга сотган ва унда уйга эгалик ҳуқуқи йўқ. Қизиғи, 19 йилдирки, ўзимда ҳам ўз уйимга эгалик ҳуқуқи йўқ. Шу масала бўйича мурожаат қилиб, амалий ёрдам сўраб келдим.

Очиқ мулоқотда аҳолининг 400 дан ортиқ мурожаати тингланиб, маълум қисми жойида бартараф этилди. Маълум муддат, яъни атрофлича ўрганиш ёки вақт тақозо этадиган мурожаатлар бўйича тегишли мутасаддиларга вазифа топширилиб, ижроси назоратга олинди.


Сайёр қабул доирасида ноғиронлиги бўлган бир гуруҳ фуқароларга ноғиронлик аравачаси, ижтимоий химояга муҳтож фуқароларга озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

А.Худойқулов, ЎЗА



# ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМИ



"ТАДБИРКОРЛИК фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилинишидан мақсад тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятида дуч келадиган тўсиқларни бартараф этиш, асосийси, бунинг ҳуқуқий механизмини яраттиришдир. Ҳўш, ҳуқуқий механизм қандай пайдо бўлади? Бунга мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида соҳадан прокуратура органларига хос бўлмаган вазифа ва функцияларни чиқариб ташлаш йўли билан эришиш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда Фармон билан 2019 йил 1 апрелдан эътиборан:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш ва назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширувларнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан амалга оширилади; тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларга оид қарорлари назорат қилувчи органлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Эндиликда Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими ҳам Бош прокуратура тасарруфидан Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тасарруфига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида қуйидаги лавозимлар ва идоралар фаолияти тугатилди:

Бош прокурор ўринбосари лавозимларининг иккита штат бирлиги;

Бош прокуратуранинг Тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси;

Бош прокуратуранинг Президент қарорлари ижроси устидан назорат бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари;

Бош прокуратуранинг Солиқ ва божхона инспекцияларини амалга ошириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари;

солиқ ва божхона инспекцияларини амалга ошириш соҳасида қонунчилик


ижроси устидан назорат қилишга масъул Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосарлари, туманлар (шаҳарлар) прокурорларининг ўринбосарлари ва ёрдамчилари лавозимлари;

туманлар (шаҳарлар) прокурорларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга масъул ўринбосарлари ҳамда катта ёрдамчилари лавозимлари;

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг тадбиркорликни ҳимоя қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлими.

Мазкур Фармонга мувофиқ энди прокуратура органларининг қисқартирилаётган 1 198 та штат бирликларидан 87 таси Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонини, 470 таси Давлат солиқ қўмитаси бўлинмаларини тўлдирish учун йўналтирилади.

## ТОШКЕНТДА ВЕБСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ ОЧИЛАДИ



20 март куни "Тошкент шаҳрида Вебстер университетининг таълим дастура-рини амалга ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Президент Қарори қабул қилинди. Унда Тошкент шаҳрида АҚШдаги Вебстер университетининг таълим дастура-рини амалга ошириш маркази ташкил этилиши белгиланди. Бугун хорижий мамлакатларнинг илгор таълим муассасалари тажрибасини мамлакатимиз таълим соҳасида қўллаш борасида самарали ишлар олиб боришмоқда. Бу борада юртимизда қатор етакчи чет эл университетларининг филиаллари ташкил этилаётгани ҳам алоҳида тилга олиш керак. Мазкур Қарорда белгиланган вазифалар шу йўналишдаги савий-ҳаракатларнинг давоми бўлиб, у орқали таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш, иқтисодиёт тармоқлари учун малакали кадрларни тайёрлаш назарда тутилмоқда.

Марказнинг асосий вазифаси ахборот-коммуникация технологиялари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик, табиий фанлар ва педагогика соҳаларида халқаро стандартлар даражасида кадрлар тайёрлаш ҳисобланади.

Марказ олий таълим муассасаси бўлиб, бакалаврият, магистратура босқичларида, малака ошириш, қайта тайёрлаш, шунингдек, илмий-педагогик кадрларни тайёрлашни амалга оширади.

Таълим кундузи шаклда, тўлов-контракт асосида, инглиз тилида амалга оширилади. 2019/2020 ўқув йилидан та-

лабалар қабул қилинади ва битирувчиларга диплом берилади. Қабул квотаси кадрлар эҳтиёжидан келиб чиқиб белги-ланади. Қарор билан Марказда бакалавриятнинг қуйидаги йўналишлари очили-ши белгиланди:

- бошқаруving ахборот тизимлари;
- интерфаол рақамли медиа;
- медиакоммуникациялар;
- график дизайн;
- реклама ва маркетинг коммуникациялари;
- информатика;
- тадбиркорлик;
- иқтисодиёт;
- халқаро муносабатлар;
- бухгалтерия ҳисоби;
- Европа тадқиқоти;
- глобал журналистика;
- жамоатчилик билан алоқалар;
- кино, телевидение ва видео ишлаб чиқарилиши.

Магистратура йўналиши бўйича Ахборот технологиялар бошқаруви, Бизнес бошқаруви, Бизнес ва ташкилий хавфсизлик бошқаруви, Таълим ва инновациялар, Менежмент ва лидерлик, Коммуникациялар бошқаруви, Савдо бошқаруви, Медиакоммуникациялар, Реклама ва маркетинг коммуникациялари, Таълим ва инновациялар, Таълим технологиялари, Амалий педагогик психология, STEM, Инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш, Менежмент ва лидерлик, Экология менежменти, Соғлиқни сақлаш бошқаруви, Суд ҳисоби каби мутахассисликлар бўйича қабул амалга оширилади.

## АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАИФ ҚАТЛАМИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР...



"Эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Қарори жорий йил 18 март куни қабул қилинди. Мазкур Қарор республикада ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламига ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтиришга қаратилган. Аҳамиятлиси, мазкур ҳужжатда эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахслар учун ахборот ресурслари ва давлат тезкор оператив хизматлар билан алоқа ўрнатиш имкониятларини тўлиқ таъминлаш орқали мавжуд шароитларга мослаштириш тизимини янада такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Бу дегани аҳолининг ижтимоий заиф қатламини ҳам фаол глобал ҳаётга олиб кириш, шу билан бирга эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахсларнинг жамиятга тўлиқ ижтимоий интеграциясини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини

жорий этиш, шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш учун шарт-шароитлар яратиш демакдир.

Қарорга мувофиқ, 2019 йил 1 июлдан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги таркибида Эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш диспетчерлик хизмати ташкил этилади. Эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахслар, шунингдек, уларнинг вакиллари томонидан техник воситалар (видео кўнғироқлар, матнли хабарлар, махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда кўнғироқлар ва бошқалар) орқали бўладиган муносабатларга шўшилинч оператив хизматларнинг (101, 102, 103, 104, 1050) кечаю кундуз, тезкор жавоб беришларини таъминлаш диспетчерлик хизматининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шунингдек, Қарорга мувофиқ эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахсларнинг шахсий маълумотлари электрон базаси яратилади.

2019 йил 1 июлга қадар эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахсларга шўшилинч оператив хизматлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, шу жумладан, мобил алоқа сервисларидан фойдаланиш бўйича бепул хизмат кўрсатиш имконини берувчи ахборот тизими жорий этилади.

## "ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ АЪЛОЧИСИ" КЎКРАК НИШОНИ ТАЪССИС ЭТИЛДИ



Шу йил 22 мартда Ҳукумат Қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ "Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси" кўкрак нишони таъсис этилди. "Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси" кўкрак нишони билан давлат органлари ходимлари аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдаги хизматлари учун тақдирланади.

Низомга кўра, давлат органлари ўз ходимларини кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни ҳар йили 1 октябрга қадар адлия органларига тақдим этиши лозим. Адлия вазирлигида номзодлар бўйича ҳужжатлар ўрганилиб, ҳар йили 20 ноябрга қадар энг муносиб номзодлар бўйича якуний ҳулоса чиқарилади. Кўкрак нишони Конституция куни арафасида Адлия вазири томонидан тантанали равишда топширилади. "Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдоридан бир йўла тўланадиган пул мукофоти берилади.

"Инсон ва қонун" муҳбири  
Мадҳия АВАЗОВА тайёрлади.

## АЛИМЕНТ УЧУН РАСМИЙ НИКОҲ БЎЛИШИ ШАРТМИ?



— КЎПИНЧА эр-хотин ажрашиб, алоҳида яшай бошлагандан кейин ота ёки она фарзандига алимент тўлай бошлайди. Аммо расмий никоҳ бўлмаса-чи? Яъни, никоҳсиз туғилган болага ҳам алимент тўланадими?

Матлуба ХЎЖАЕВА,  
Тошкент вилояти, Красногорск шаҳарчаси

— Оила кодексига мувофиқ, агарда фарзанд отаси томонидан тан олиниб, фарзанднинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида отаси ҳақидаги маълумотларда унинг исми-шарифи акс эттирилган бўлса, ундан алимент талаб қилиш мумкин. Бунда никоҳнинг расман қайд этилган, этилмаганлигининг аҳамияти йўқ.

Агарда, фарзанд отаси томонидан тан олинмаган ва унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасига отасининг исми-шарифи киритилмаган бўлса, бунда алимент ундириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

Оталикни белгилаш:  
фарзандни отаси тан олган ҳолда — биргалликдаги ариза билан ФХДЕ органлари орқали;

отаси оталигини тан олмаган бўлса — судга муурожаат қилиш орқали.  
Бунда судга оталикни белгилаш ҳақидаги ариза билан биргалликда алимент ундириш ҳақидаги ариза билан ҳам муурожаат этиш лозим бўлади.

## БАДАЛ ПУЛЛАРИ ҚАНДАЙ ҚАЙТАРИБ ОЛИНАДИ?



— БИР ойлик ҳарбий хизмат учун тўлов тўланган бўлса-ю, фуқаро хизматга лаёқатсиз, деб топилса, пулни қайтариб оلسа бўладими? Агар мумкин бўлса бунинг тартиби қандай?

Сарвар РАҲИМОВ,  
Навоий шаҳри

— Қонунчиликка мувофиқ, пул бадалларини тўлаган, бироқ ҳарбий йигинлардан ўтмаган сафарбарлик қақируви резерви хизматчисига тўланган маблағлар, агарда у ҳарбий хизматга яроқсиз, деб топилганда ва унга тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан 27 ёшгача I, II ёки III-гурӯх ногиронлиги берилган ҳолатда қайтариб берилади.

Бунда ушбу шахс ТМЭК ҳулосаси ва Махсус ҳисоб рақамига бадаллар ўтказиш тартиби тўғрисидаги томонларнинг имзолари қўйилган шартноманинг нусхасини илова қилган ҳолда (ҳарбий ҳисобга қўйилган жойидаги) мудофаа ишлари бўлими бошлигининг номига тўланган пул бадалларини қайтариш ҳақида (тўланган пул суммасини кўрсатган ҳолда) ариза беради.

Мудофаа ишлари бўлими, мудофаа ишлари бошқармаси махсус ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушгандан сўнг (пул маблағини келиб тушиши билан боғлиқ таомиллар 9 иш кунинда амалга оширилади) уч кун муддатда пул маблағларини қандай тартибда тўланган бўлса, шу шаклда қайтариб беради (нақд тўланган бўлса нақд шаклда, пул ўтказилган бўлса пул маблағларини тегшишли ҳисоб рақамга ўтказилади).

## КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА ИСИТИШ ТАРМОҒИ МУАММОСИ...



— КЎП қаватли уйда яшайман, иссиқлик таъминоти уйни яхши иситмайди, шунинг учун хонадонимни иситиш тармоғидан узоқчиман. Лекин "ТОШИССИҚҚУВАТИ" ДУК ходимлари "мумкин эмас", дейишяпти. Шу тўғрими?

Фарҳод ЖЎРАЕВ,  
Тошкент шаҳри

— Истеъмолчига кўп қаватли уйнинг иситиш ва иссиқ суе таъминоти тизимидан алоҳида турар ва нотураржойларнинг иситиш асбобларини демонтаж қилиш орқали иситиш тизимидан узиб қўйиш таққилланади.

Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Кўп қаватли уйларда иссиқлик таъминоти иситиш таққиллаш кўрсатиш қоидалари"да белгиланган.

Шу билан бирга, истеъмолчи иссиқлик таъминоти хизматлари зарур сифат ва тартибда кўрсатилмаганда неустойка тўлашни, қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиши мумкин.

Зарур сифат дейилганда иситиш даврида (иситиш даври вилоят ва шаҳар ҳокими қарори билан белгиланади) тураржой хоналари ҳавосининг норматив ҳарорати камида 20°C бўлиши назарда тутилади.

Иситиш даврида уйда ҳаво ҳарорати ушбу кўрсаткичдан паст бўлганда ҳароратдан четга чиқишининг ҳар бир даражаси учун тўлов миқдори амалда белгиланган тўловнинг 0,15 фоизига камайди.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими  
Дилмурод РАЖАБОВ жавоб берди.

## МАСТ ҲАЙДОВЧИЛАРГА ҚАНДАЙ ЖАЗО БОР?



— АЛКОГОЛЛИ ичимликлар таъсирида автомобиль бошқариш оқибатида автоҳалокатлар рўй берганига кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Айтинг-чи, бугунги кунда ҳайдовчининг маст ҳолатда эканлигини аниқловчи қандай замонавий усуллар бор?

Адҳам БЕРДИЕВ,  
Олтинсой тумани

— Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш ички ишлар органининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари (ДИҲХХ) маст ҳолатда эканлигини аниқлаш бўйича текширув Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда текширилган, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги томонидан сертифициланган транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан ҳавога чиқарилган этанол буғларини аниқловчи ва текширув натижаларини қоғозда акс эттирувчи махсус техник восита — алкотестер ёрдамида амалга оширилади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар, гижёвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш бўйича тиббий текширув бевосита ДИҲХХ ходимлари иштирокида туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасаларининг масъул ходимлари томонидан ўтказилади.



— ЙПХ ходими қандай ҳолатларда ҳайдовчининг маст эканлигини аниқлаш учун текширув ўтказиши мумкин? У дуч келган автомобилни тўхтатиб, ҳайдовчини текшириш ҳуқуқига эгами?

Замир САИДОВ,  
Бухоро вилояти

— Ҳайдовчининг оғиз бўшлигидан алкоғоль ҳиди келиши, бир ҳолатда тўғри тура олмаслиги (чайқалиб туриши), нутқининг бузилганлиги, кўл бармоқларининг қаптираши, юз териси рангининг сувзиларли ўзгарганлиги транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар, гижёвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун текширув ўтказишга асос бўлади.

Ҳайдовчиларнинг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш ДИҲХХ ходими томонидан техник восита ёрдамида қоидабузарлик юз берган жойнинг ўзида амалга оширилади. Текширув олдидан ДИҲХХ ходими транспорт воситаси ҳайдовчисини техник воситанинг ишлаш тартиби билан таништиради, текширув камида икки нафар ҳолис иштирокида амалга оширилади.



— Маст ҳолатда автомобиль бошқарган ҳайдовчиларга қандай жазо белгиланган?

Зоҳида ТЎРАЕВА,  
Поп тумани

— Транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан чиқарилган ҳаводаги этанол буғлари концентрацияси кўрсаткичи 0,135 миллиграмм ва ундан юқори бўлган ҳолларда ДИҲХХ ходими транспорт воситасини бошқараётган шахснинг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтказиш учун туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасаларига олиб боради, ҳайдовчи текширувдан ўттишдан ҳам бўйин товлаган тақдирда ДИҲХХ ходими унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 131-моддасига мувофиқ маъмурий баённома расмийлаштирилади.

Ҳайдовчи техник восита ёрдамида текширувдан ўттишдан бош тортидан ёхуд унда техник восита орқали текширув натижаларига эътироз маъжуд бўлган ҳолларда ДИҲХХ ходими транспорт воситасини бошқараётган шахснинг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтказиш учун туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасаларига олиб боради, ҳайдовчи текширувдан ўттишдан ҳам бўйин товлаган тақдирда ДИҲХХ ходими унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 136-моддасига мувофиқ маъмурий баённома расмийлаштирилади.

Ҳайдовчининг маст ҳолатда эканлиги техник восита ёрдамида ёки туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасалари ходимлари томонидан ўтказилган текширув натижалари асосида тасдиқланган тақдирда ДИҲХХ ходими томонидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 131-моддасига мувофиқ маъмурий баённома расмийлаштирилади, маъмурий баённомага текширув техник восита ёрдамида ўтказилган тақдирда текширув натижалари бўйича ушбу воситадан чоп этилган маълумот, туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасалари ходимлари томонидан тиббий текширув ўтказилганда эса, тиббий ҳулоса илова қилинади.

Ҳайдовчиларнинг алкоғолли ичимликлар, гижёвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун тиббий текширув унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (фуқаролик паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳарбий билети ва б.) асосида амалга оширилади, ҳайдовчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати маъжуд бўлмаса, ДИҲХХ ходими томонидан махсус дастурий таъминот ўрнатилган мобил электрон қурилма (планшет)дан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Тиббий текширув транспорт воситаси ҳайдовчиси тўхтатилган (йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган) пайтдан бошлаб, узоғи билан бир соат ичда ўтказилиши лозим.

Транспорт воситаси ҳайдовчисининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш, нарколептик диспансерларда нарколептар томонидан ёки соғлиқни сақлаш идоралари белгиланган туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасаларида махсус тайёргарликдан ўтган шифокорлар томонидан ўтказилади.

Шахснинг алкоғол маҳсулотини истеъмол қилганлиги тўғрисидаги тиббий ҳулоса алкоғол маҳсулотининг қондаги концентрацияси 0,3 промилле ва ундан ортққ бўлган ҳолларда чиқарилади.

Транспорт воситаларини бошқариш бўйича тахририятимизга фуқаролар томонидан юборилган саволларга жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар суди раиси в.б. Жамшид САДИНОВ жавоб берди.

Иккинчи мақола (Боши ўтган сонда)

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКАСИ марказларига яратилган имкониятлар: самара ва натижалар



МАМЛАКАТИМИЗДА транспорт-логистика марказлари фаолиятини ислоҳ қилиш учун амалга оширилиши зарур бўлган муҳим ишлардан яна бири, республикада халқаро транспорт-логистика марказларини ташкил этишда хусусий секторларнинг улушини кескин оширишдир.

Биргина Бирлашган Араб Амирликларидаги "Дубай" халқаро аэропортида жойлашган логистика маркази орқали йилга 3 миллион тоннагача юк ўтказилиб, 26 миллиард АҚШ доллари яқин даромад қилинади.

Агарда транспорт-логистика марказларини ташкил этишда тўлиқ хусусий сектор вакилларининг улуши ва роли оширилмас экан, ушбу соҳада ривожланиш ва рақобат муҳити шаклланимайди.

Шунингдек, транспорт-логистика марказлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи идоравий тузилмани яратиш лозим.

Президентимиз раислигида 2017 йил 6 декабрь куни "Навоий" халқаро интермодал логистика маркази фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилишда ҳам транспорт компаниялари томонидан мувофиқлаштириш ишлари таъминланмагани сабабли "Навоий" халқаро интермодал логистика марказида ташиш ишлари ривожланмай қолганлиги таъкидланган.

Латвия давлатида транспорт-логистика соҳасида халқаро ва маҳаллий логистика корхоналари икки ассоциацияга бирлаштирилган. Жумладан, Латвия юк экспедиторлик ва логистика ассоциацияси ҳамда

Латвия логистика ассоциациялари бунун мамлакатдаги барча логистика корхоналари фаолиятини ўз ичига қамраб олади.

Хусусан, Латвия юк экспедитори ва логистика ассоциацияси 1994 йил 15 августда ташкил этилган бўлиб, ушбу бирлашма Латвиядаги юк экспедиторлари ва божхона омборларини бирлаштириб, уларнинг маҳаллий ва халқаро миқёсда манфаатларини ҳимоя қилишга асосланган.

Мазкур бирлашма "Халқаро юк экспедиторлик ассоциацияси федерацияси" (FIATA), "Халқаро логистика ва омборхона ассоциацияси федерацияси" (IFWLA) аъзоси ҳисобланади. Ушбу ҳолатда Латвия транспорт-логистика тармоқлари халқаро тармоқлар ва бирлашмалар билан ўзаро интеграциялашганлигини кўриш мумкин.

Юртимизда транспорт-логистика тармоқларини (марказлар) ривожлантиришга хусусий секторларни (аутсорсинг) ҳамда халқаро компанияларни жалб этиш учун миллий қонунчилигимизда транспорт-логистика соҳасидаги жозибadorлик даражасини ошириш.

Юртбошимизнинг 2017 йил 2 декабрда "2018 — 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишининг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган.

Ушбу Қарорга асосан автомобильларда халқаро юк ташишини амалга ошираётган миллий автотранспорт корхоналари ва транспорт-логистика компанияларини ривожлантириш мақсадида уларга 2022 йилнинг 1 январига қадар бир қатор имтиёз-

лар тақдим этилган. Хусусан:

қўшилган қиймат солиғи, мулк солиғи ҳамда ер солиғи тўлашдан озод қилиниши, бунда бўшаган маблағлар ўзининг автотранспорт воситалари паркинни кенгайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялашга, замонавий омборхона терминаллари барпо этишга ва банк кредитларини тўлашга йўналтирилиши.

Бундан ташқари, ишлаб чиқарилганига 3 йилдан кўп вақт ўтмаган юкларни, шунингдек, бошқа товарларни ташиш ва омборларда жойлаштириш, транспорт-логистика хизматлари кўрсатиш учун мўлжалланган транспорт воситалари, махсус техникани сотиб олишга имтиёзли даври 1 йилгача бўлган, фойз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган кредитлар ажратиш ҳамда ишлаб чиқарилганига 3 йилдан кўп вақт ўтмаган юкларни ташиш ва омборларда жойлаштириш учун кредитга сотиб олинаётган транспорт воситалари ва махсус техника шартномада кўрсатилган 100 фоизли қиймати бўйича ушбу кредитнинг гаров таъминоти сифатида тижорат банклари томонидан қабул қилиниши мумкинлиги белгиланди.

Бу билан транспорт-логистика тармоқларини (марказлар) ривожлантиришга хусусий секторларни (аутсорсинг) ҳамда халқаро компанияларни жалб этиш учун қонунчиликдаги жозибadorлик етарли даражада эмас.

Хорижий давлатлар Латвия, Россия, Беларусь ва Туркиянинг транспорт-логистика соҳасини

ривожлантиришда тақдим этилган имтиёзлари соҳасида илғор тажрибалари ўрганилди.

Латвияда Европа иттифоқи давлатларидан импорт қилувчи логистик корхоналарга бир қатор қўйидаги имтиёзлар татбиқ этилган:

Биринчидан, юк ташувчилар учун вақтни тежаш мақсадида олиб ўтиладиган товарлар учун юк хатини тўлдириш ва тақдим этиш тартиби бекор қилинган.

Иккинчидан, импорт қилинадиган товарлар учун қўшимча қиймат солиғини тўлашни кечиктириш божхона режими жорий қилинган. Бу ҳолатда юк ташувчи импорт қилинадиган товарлар учун қўшимча қиймат солиғи тўламасдан сотиш ҳуқуқини беради.

Учинчидан, божхона омборига товарлар жойлаштиришда божхона кафилик тартиби бекор қилинган.

Бироқ бизнинг солиқ қонунчилигимиз бўйича — Солиқ кодексининг 197-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси нереидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар ва товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланиши белгиланган.

Транспорт-логистика соҳасини ривожлантириш учун биринчи навбатда солиққа тортиш юкни либераллаштириш лозим.

Тўртинчидан, республикада транспорт-экспедиторлик хизматларини кўп томонлама ривожлантириш лозим.

Қонунчилигимизда маҳаллий ва халқаро тарзда юкларни ташишининг ҳуқуқий баъзаси яра-

тилган ва имтиёзлар берилган бўлса-да, интермодал логистика марказлари ва турли хизмат кўринишдаги терминалларнинг инфратузилмалари ривожланмаганлиги сабабли транспорт-экспедиторлик хизмати бир томонлама ривожланиб, интермодал логистика марказлари ва терминаллар иқтисодиётида мустаҳкам ўрнини топмаган.

Хусусан, "Навоий" халқаро интермодал логистика марказининг инфратузилма талаб даражасида ривожлантирилмаганлиги сабабли, хорижий юк ташувчи субъектлар ва маҳаллий импортчилар ҳам ўз юкларини "Навоий" логистика маркази хизматларидан фойдаланиш ва юкларни қабул қилиб олишга қизиқиши деярли мавжуд эмас. Шу сабабли "Навоий" логистика маркази йилига 100 минг тонна юк қабул қилиш ва жўнатиш имкониятига мўлжалланган бўлса-да, охириги 8 йил давомида жами 300 минг тонна юк жўнатилган ҳолос.

Ваҳоланки, халқаро юк ташувчиларга бир қатор имкониятлар яратилган. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 1 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитни амалга ошириш жараёнларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا асосан 2018 йилнинг 1 мартдан бошлаб автомобиль ва темир йўл транспорт орқали алкоголь ва тамаки маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан олиб ўтиш учун Вазирлар Маҳкамаси рухсатномасини бериш тартиби, шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини автомобиль ва темир йўл транспорт орқали транзит олиб ўтишда Ўзбекистон Республикаси божхона органлари депозит соҳбақамга юк ташувчи томонидан божхона тўловлари тўланганининг пуллик таъминоти суммасини киритиш тартиби бекор қилинди.

Хулоса ўрнида шуну айтиш мумкинки, транспорт-логистика соҳасини ривожлантириш учун, энг аввало, логистика экспедиторлик хизматларини ҳамда мултимодал логистика марказларини ривожлантириш орқали ташқи савдо йўналишларини диверсификациялашга эришиш мумкин.

Шаҳруз АЗИМОВ,  
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

## Икки ойлик нафақа ИККИ ЙИЛДАН СЎНГ БЕРИЛДИ



БУХОРО шаҳрида яшовчи фуқаро М.Нарзиева вилоят адлия бошқармасининг "Ишонч телефони"га Пенсия жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими томонидан 2017 йил июнь-июль ойлари учун ҳисобланган нафақа суммалари тўланмаганлигидан норози бўлиб мурожаат қилди. Вилоят адлия бошқармаси мазкур мурожаатни ўрганиш натижасида фуқаронинг манфаатида Бухоро шаҳар маъмурий судига "мансабдор шахснинг

хатти-ҳаракатларидан норозилиги ҳақида" ариза киритилди. Суд қарорига асосан Пенсия жамғармаси Бухоро шаҳар бўлимига фуқаронинг 2017 йил июнь-июль ойлари учун ҳисобланган 603 852 сўм нафақа пуллари тўлаб бериш мажбурияти юклатилиб, мурожаат қаноатлантирилди.

Туйғун АЗИМОВ,  
Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



## Фуқаронинг 3 ОЙЛИК иш ҳақи тўлаб берилди

ЯНГИҚЎРҒОН туман адлия бўлими Юқори Навкент МФЙда яшовчи фуқаро М.Мирзажоновнинг "Тоza ҳудуд" ДУК Янгиқўрғон туман филиали томонидан иш ҳақлари берилмаганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаатини ўрганиб чиқди.

Ўрганиш жараёнида филиал томонидан фуқарога 2018 йилнинг ноябрь-декабрь ва 2019 йилнинг январь ойлари учун ҳисобланган иш ҳақлари тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Адлия бўлими аниқланган қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш ва фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида М.Мирзажоновга иш ҳақларини тўлаб бериш

юзасидан жорий йилнинг 7 февраль куни "Тоza ҳудуд" ДУК Наманган вилоят бошқармасига тақдимнома киритди. Натижада мурожаат муаллифига ҳисобланган ойлик иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилиши таъминланди.

Шерали ПАРПИБОВ,  
Янгиқўрғон туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

## МАЪНАВИЯТНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Ватанпарварлик билан ўлчанади

**МАЪЛУМКИ, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ҳамда ёшлар қалбидида ватанпарварлик ҳиссини янада юксалтиришида Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг ўрни бекиёс. Шу маънода айтганда, кўхна Марғилонда ҳам ташкилотнинг шаҳар кенгаши, ўқув спорт техника клуби ва 1 та бошланғич ташкилоти ўз фаолиятини олиб бормоқда.**

Хусусан, Марғилон шаҳар ўқув спорт техника клуби томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспорти воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибни такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги қарори ҳамда Президентимизнинг 2018 йил 12 декабрдаги "Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида 6 та ўқув гуруҳида 150 нафар "В" ва "ВС" тоифали ҳайдовчилар — мутахассислар тайёрланди. Бунда клубга қарашли 2 донна юк автомобили, 10 донна замонавий русумдаги энгил автомобиллар ёрдамида назария ҳамда амалиёт уйғунлиги таъминланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айни пайтда мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамятдаги фаоллигини янада оширишга юксак эътибор қаратилмоқда. Буни эса ҳайдовчилик мутахассислигига опа-сингилларимизнинг қизиқиши ва

иштиёқи тобора ортиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Жумладан, шахримизнинг Орзу 2-тор кўчасида яшовчи 18 ёшли Ҳалимаҳон Абдуллажоновна ёки Қўштепа тумани Лойсон ҚФЙда истиқомат қилувчи 45 ёшли Гулнораҳон Ҳақимовалар автоуллов бошқариб, яқинлариға кўмақдош бўлишга интиланлари таҳсинга сазовор.

Қолаверса, "Ватанпарвар"нинг шаҳар кенгаши томонидан 961 нафар аҳоли ва ёшлар иштирокида 11 маротаба маънавият, ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи ва ташкилий оммавий тадбирлар ўтказилди. Айниқса, мазкур тадбирларда спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш муҳим мезон этиб белгилангани эътиборга моликдир. Негаки, айни масала Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддасида ҳам ўз аксини топган. Ҳозир эса Марғилон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ИИБ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг шаҳар кенгаши, Маънавият ва маърифат маркази, Халқ таълими, Жисмоний тарбия ва спорт бўлими, "Рухсор" теледиоканали, "Марғилон ҳақиқати" газетаси ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар билан бирга "Биз ватанпарварлармиз" шиори остида умумтаълим



мактабларининг 10-11 синф ўқувчилари ўртасида спортнинг "Ёзги биатлон" тури бўйича саралаш босқичлари ўтказилмоқда. Эътироф этиш керак, 2019 йил 11 март куни шаҳардаги 1-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган мусобақа ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Натижада мусобақада ўғил болалар ўртасида Нурмуҳаммад Зокиров, Шухратжон Абдурахмонов ва Орифжон Фозиловлар, қизлар ўртасида Нодирахон Раҳматуллаева, Жасмина Иброҳимова ҳамда Мавлудахон Зариповалар фахрли ўринларга сазовор бўлишди. Шу билан бирга, мусобақа доирасида 9-10 синф ўқувчилари иштирокида "Ёшлар гиёҳванд воситаларнинг тарқалишига қарши" мавзусида давра суҳбати ҳам ташкил этилди. Шаҳардаги 32-умумтаълим мактабида 2019 йил 14 март куни бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбир эса "Мардлар қўриқлайди ватанин", деб номланди. Унда Шарқий ҳарбий округнинг 99415 ва 48982-сонли ҳарбий қисмлар, шаҳар мудофаа бўлими, Фаргона вилоят фавқуллода вазиятлар бошқармаси қўтқарув отряди ходимлари ҳамда 425 нафар

ўқувчи-ёшлар иштирок этишди. Албатта, тадбирда фаол қатнашган ўқувчилар "Ватанпарвар"нинг қимматбахшо соғалари ва диплом билан тақдирланди.


Бундан ташқари, Марғилон шаҳар ўқув спорт техника клуби қошида "Ҳаво милитигидан ўқ отиш" ва "Дуатлон" спорт турлари бўйича ҳам тўғарақлар фаолият юритмоқда. Уларга 10-18 ёшгача бўлган 45 нафар вояга етмаган ўғил-қиз жалб қилинган.

Шу ўринда ота-оналар ва юртимизнинг фидойи ёшларига яна бир бор эслатиб ўтмоқчимизки, "Ватанпарвар" билан ҳаммиша ҳамнафас бўлсангиз, бу сезингиз Она Ватан олдидаги бурчингизни шараф билан удалашингизда ҳамда келгуси муваффақиятларингизда қўл келади. Зеро, ватанпарварлик инсон маънавиятининг энг муҳим мезонларидан биридир.

**Наврўз КОМИЛОВ,**  
**Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марғилон шаҳар ўқув спорт техника клуби бошлиғи, подполковник**

## ОМОНХОНА

### Бойсуннинг сирли маскани



Ички туризм

ТУРИЗМНИ ривожлантириш республикаимиз иқтисодий стратегиясининг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу борада, айниқса, сўнгги йилларда қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар, йўл хариталари ишлаб чиқилди ва уларнинг ижроси амалга татбиқ этилмоқда. Шунингдек, юртимизда сайёҳлар учун янгича қўлайликлар жорий этилди, ҳам ташқи, ҳам ички туризмни янада ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилана олди. Маълумотларга қўра, юртимиз сайёҳлик кўлима ва тарихий жойлар кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради.

Президентимиз "Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири — бу туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида дунё бўйича улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7300 дан ортиқ маданий мерос объеклари мавжуд ва уларнинг қарийб 200 таси ЮНЕСКО рўйхатига киритилган", дея таъкидлаган эди. Бугун ОАВларда ҳам турли туристик объеклар ва уларнинг сирли жиҳатлари ёритилиши йўлга қўйилди. Биз эса ана шундай сирли масканлардан бири ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Омонхона Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида жойлашган. Бу маскан қадим йиллардан одамлар қадами узилмайдиган зиёратгоҳ бўлган. Ривоят қилинишича, шу худудда яшаган етти аълининг бири Омонхона ота бўлган экан. Неча замонлардан бери Омонхона ота қадамжосини шу ерликлар зиёрат қилиб кетади. Бугун эса ушбу масканди шифобахш булоқ суви туфайли ҳам зиёрат, ҳам сиҳат, ҳам ҳордиқ истаганлар Бойсунга ташриф буюрадилар.

Булоқ суви инсонларнинг ўт пуфак, жигар ва бошқа ички органларини ювиб, дарддан фориғ этишда замонавий тиббиётда қўлланиладиган гемодездан бир неча баробар афзаллиги аниқланган.

Мутахассисларнинг фикрича, тоғ бағридан сизиб чиқаётган булоқ суви таркибиде кремний кислотаси, темир, алюмин каби инсон организми учун кўплаб фойдали элементлар мавжуд экан.

Сўлим гўшадаги обиҳаётдан самарали фойдаланиш мақсадида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамяти бу ерда замонавий шифохона барпо этди. Ҳар йили сўлим масканде минглаб одамлар саломатлигини тикламоқда.

Одамларга шифо улашаётган тоғ бағрида табиатнинг яна бир тилосими — гаройиб гор ҳам бор. Булоқдан унча узок бўлмаган баландликда жойлашган ушбу горни маҳаллий аҳоли вакиллари "Омонхона совутгичи", деб атайдилар. Гор туйнугидан одам танаси бироз сиқилиб ўтади. Уч метрча чуқурликдаги гор ичкариси кенг, худди хонани эслатади. Шу ерлик одамларнинг айтишича, ер қисми майда тоғ тошларидан иборат бу хона ёз чилласида 5-6, қишда 20 даражагача илқ бўлади. Шу боис, кўп асрлардан буён теварак-атроф одамлари сариёғни шу горда сақлашга одатланган эканлар.

Мабодо, ёз чилласида салқин ва

баҳово горга тушилса, маҳаллий аҳоли томонидан қўйилган сариёғдан бир чимдим бўлса-да, олиб чиқишга уринмаслик керак. Акс ҳолда, гор туйнуги кутилмаганда торайиб, ташқарига чиқишга йўл қўймаслиги эҳтимолдан холи эмас. Ҳар қалай, омонхоналиклар ўтмишдан қолган бу ривоятга ҳозир ҳам қатъий амал қилиб келадилар.

Ушбу сиҳаттоҳ ҳордиқ ва соғломлаштириш муолажаларини бир вақтининг ўзида амалга ошириш имконини беради. Оилавий дам олиш учун ҳам жуда қўлай. Маъданли булоқ сувлари орқали даволанган мобайнида тана ва руҳнинг ўзаро уйғунлашувиға эришиш мумкин бўлади. Булоқ суви тери орқали танаға таъсир кўрсатади: моддалар алмашинувини яхшилайдди, танадан зарарли моддаларни чиқариб юборади, тана тетиклашғач, ўз навбатида, кайфият ҳам аъло бўлади. Бундай муолажалардан сўнг терида ижобий ўзгаришлар рўй берад экан. Бу маскани даволаниш туризми йўналишидаги объект сифатида баҳолаш мумкин. Шу ўринда даволаниш туризми тўғрисида тўхталиб ўтсак.

Даволаниш туризми — махсус йўналиш ҳисобланиб, сайёҳлар ўз касалликларини даволаш мақсадида ерости иссиқ сувларига, махсус жойларга, шаҳарларга ва мутахассисларга боришади, ҳозир республикаимизда 500 дан ортиқ сайёҳлар учун мўлжалланган даволаниш масканлари мавжуд бўлиб, улардан 100 тасига турли касалликларни даволаш мақсадида 10-30 кунларга мўлжалланган тур маҳсулотлар сотилади. Ўлкаимиздаги ерости маъданли сувлари турли касалликларга даво бўлиб, бу сиҳатгоҳларга йўлланмаларни даволаниш учун тур маҳсулот сифатида янада кўпроқ сотиш мумкин.

**Шоира ТОЖИБОЕВА,**  
**Паркент Транспорт ва сервис касб-хунар коллежи ўқитувчиси**



# 2019 йил — Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

## Инвестиция РИВОЖЛАНИШ САРИ ЙЎЛ

БУГУН одамларнинг онги, тафаккури, ҳаётга муносабати тубдан ўзгарди. Энди қўл қовуштириб ўтирадиган замон эмас. Ўтаётган ҳар бир кунни ғанимат билиб, имкониятлардан самарали фойдаланиш, хорижликлар тажрибаси ва уларнинг технологияларини ўрганиб ишлаб чиқаришга дадиллик билан қўллаш давр талаби. Каттақўрғон тумани ўтган 2018 йил маҳаллий бюджетининг даромад қисми 115 фоиз бажарилган. Буни пулга чақадиган бўлсак, 1 миллиард 200 миллион сўмни ташкил этади.

Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги "Обод қишлоқ" дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Каттаминг ва Қорақўлча маҳаллаларида белгиланган режа асосида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Каттаминг қишлоғида 475 хонадонда тўлиқ капитал таъмирлаш ишлари якунланди. Жумладан, янги артизан кудуғи қазилиб, 3.1 км. сув тармоғи тортилди. 16.2 км. умум-фойдаланишдаги ва ички йўллар капитал таъмирланди. Олис ва чекка газ етиб бормайдиган 200 та хонадонга газ баллонлари тарқатилмоқда. Бундан ташқари, Каттаминг маҳалласида 44 нафар, Қорақўлча маҳалласида 48 нафар ишсиз фуқаро иш билан таъминланди.

— 2019 йилда ижтимоий соҳани ривожлантириш, хусусан, одамларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларга янги иш ўринларини очиб бериш учун кенг қўламли ишларни амалга ошириш режалари белгиланган, — дейди Каттақўрғон туман ҳокимлиги молия бўлими мудир Алишер Худойбердиев. Туманимизда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари режалаштирилган, хусусан, Хитой Республикасининг "HENYUAN CEMENT" МЧЖ билан ҳамкорликда йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2.4 миллион тонна бўлган цемент заводи қурилиши ишлари бошланган бўлиб, ушбу иншоот 2020 йилда ишга тушади.

Тумандаги педагогика коллежи ўрнида лойиҳа қиймати 5.5 миллион АҚШ доллариغا тенг бўлган тўқимачилик

корхонаси қурилиши бошланиб, ушбу объект ўз иш фаолиятини жорий йилнинг сентябрь ойида бошлади. Ушбу корхона ишга тушган, 1200 нафар киши иш билан таъминланади. Муқаддас Ватанимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Каттақўрғон туманида ҳам "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Белгиланган дастурларга мувофиқ туман ҳокимлиги томонидан чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, янги ташкил этилаётган корхоналар негизда иш ўринларини қўпайтириб, халқимиз розилигини олиш масаласи кўзланган. Шундай экан, туманимизнинг тадбиркорлик ва бизнес

билан шугулланадиган ёшларига кенг йўл очилмоқда. Бугун уларга банклар ёрдамида бизнес лойиҳалари таклиф қилиниб, фаровонликка эришиш борасида туманда ижобий ишлар бажарилмоқда. Бугун Каттақўрғон туман аҳолиси кўтаринки кайфиятда яратувчанлик ва тадбиркорлик ишлари билан шугулланмоқда. Бугун ҳеч ким амалга оширилаётган ислохотлардан четда тургани йўқ. Каттақўрғонликлар энди эскичасига яшаб ва ишлаб бўлмаслигини тушуниб етди. Шу тўғрисида ҳам туманда ишчанлик муҳити ҳукмрон.

**Азим ҚОДИРОВ,**  
"Инсон ва қонун" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

### ЕР УЧАСТКАСИ ОЛИШ УЧУН ТЎЛОВ МАВЖУДМИ?



— ЯҚИНДА деҳқончилик билан шугулланиш учун ер участкаси олдим. Эшитишимча, ушбу ер участкасининг кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун тўловлар мавжуд экан. Шу тўғрисида?

**О. БЕКМУРОДОВ,**  
Тошкент вилояти

— Ҳа, тўғри. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ер участкаларига кадастр ишини тайёрлаш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун қуйидаги миқдорларда тўлов ундирилади.

Ер участкасини ажратиш бўйича иш мавжуд бўлган яқка тартибда тураржой қуриш учун ажратилган ер участкаси-белул, деҳқон ҳўжалигини юритиш учун ажратилган ер участкаси — энг кам ойлик иш ҳақининг 1,25 баравари (253 минг 412 сўм), нотураар объектлари қуриш учун ажратилган ер участкаси — энг кам ойлик иш ҳақининг 1,25 баравари (253 минг 412 сўм), кишлок ҳўжалиги эҳтиёжлари учун ажратилган ер участкаси-энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 баравари (506 минг 825 сўм) қилиб белгиланган.

**Саволга Учтепа тумани адлия бўлими масъул ходими Аббор БЕРДИЕВ жавоб берди.**

## ЛОҚАЙДЛИК ЭЪТИРОЗГА САБАБ БЎЛДИ

ЯШНОБОД туман адлия бўлими томонидан Авиасозлар 1-тор кўчаси, 5-ўйда яшовчи фуқаро А.Ризаматованинг мурожаати ўрганиб чиқилди. Унда ёзилишича, А.Ризаматова 2004 йилдан Яшнобод туман "Алимкент" МФИда диний, маърифий ва маънавий, ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимиде ишлаган. Бироқ "Алимкент" МФИнинг 2017 йил 24 октябрдаги 01.15.К-сонли кенгаш қарори билан эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. МФИ томонидан унга шу пайтга қадар меҳнат дафтарчаси масъул шахслар томонидан берилмаган, кенгаш қарори билан ҳам таништирилмаган, қолаверса, меҳнат дафтарчаси берилмаслиги натижасида ҳозирги кунда нафақа пулини ҳам ололмаётганлигини фуқаро ўз мурожаатида маълум қилган.

Адлия бўлими томонидан ушбу мурожаат ўрганилар экан, унда

таъкидланган эътирозлар асосли эканлиги ўз тасдиғини топди. Яъни, А.Ризаматова Яшнобод туман ҳокимининг 2018 йил 4 январдаги фармойишига асосан 2018 йил 4 январдан эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги, якуний ҳисоб-китобни амалга ошириш белгиланганлиги, туман ҳокимлиги ташкилий-назорат бўлими масъул ходими берган тушунтириш хатига кўра, МФИ ходимларининг меҳнат дафтарчалари туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат бўлими гуруҳи томонидан юритиб келинаётганлиги, А.Ризаматованинг меҳнат дафтарчаси туман ҳокимлиги ташкилий-назорат бўлимида сақланаётганлиги, бироқ меҳнат дафтарчасини олиб кетиш бўйича туман ҳокимлиги томонидан оғохлантирув хати юборилмаганлиги аниқланган. Қонун талаблари қўпол равишда бузилиши оқибатида фуқаро А.Ризаматовага меҳнат дафтар-

часи берилмасдан келинаётганлиги эса ҳақли эътирозга сабаб бўлган.

Шу боис Яшнобод туман адлия бўлими томонидан фуқаро А.Ризаматова фойдасини қўлаб фуқаролик ишлари бўйича Миробод туман судига даъво аризаси киритилди. Суднинг қарори билан А.Ризаматова манфаатида жавобгар Яшнобод туман ҳокимлиги ва туман Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимига нисбатан ойлик иш ҳақини ундириш ва меҳнат дафтарчасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги даъво аризаси қисман қаноатланганди. Яшнобод туман ҳокимлигидан даъвогар А.Ризаматова фойдасига 7.953.885 минг сўм ойлик иш ҳақи ундирилди.

**Хуршид ҚУРБОНОВ,**  
Яшнобод туман адлия бўлими бошлиғи



ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

# "АСАКА" банк АТБ

Сирдарё вилоят филиали жамоаси



"Асака" банк АТБ Сирдарё вилоят филиали жисмоний шахсларнинг миллий ва хорижий валютадаги депозитларини жалб қилиш бўйича 2019 йил 4 мартдан бошлаб қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

№	Омонат турлари	Муддати	Йиллик фойз	Омонат шартлари
<b>Миллий валютадаги омонатлар</b>				
1	Талаб қилиб олгунча	чекланмаган	0%	Бир марталик тўловлар учун ва қўшимча шартларсиз очилади.
2	Mobile-uz	3 ой	15%	Фойзлар ҳар ойда омонатчининг пластик картасига ўтказиб берилади. Омонат фақатгина "Asaka Mobile" мобил иловаси орқали қабул қилинади ҳамда масофадан туриб бошқарилади. Минимал 500 000 минг сўм.
3	Mobile-uz.A	13 ой	16%	Фойзлар ҳар ойда омонатчининг пластик картасига ўтказиб берилади. Омонат фақатгина "Asaka Mobile" мобил иловаси орқали қабул қилинади ҳамда масофадан туриб бошқарилади. Минимал 100 000 минг сўм.
4	Ипотека-Н	муддатсиз	0%	Ипотека кредитининг бошланғич бадал пулини шакллантириш учун очилади.
5	Автоомонат	муддатсиз	0%	Автокредит учун мўлжалланган бўлиб, омонат автокредит чиққунга қадар сақланади.
6	Мустаҳкам пойдевор	муддатсиз	0%	Қишлоқлардаги намунали уй-жой ипотека кредитининг бошланғич бадали учун мўлжалланган бўлиб, омонат ипотека чиққунга қадар сақланади.
7	Файзли хонадон	муддатсиз	0%	Шаҳарларда жойлашган намунали уй-жойлар ипотека кредитининг бошланғич бадали учун мўлжалланган бўлиб, омонат ипотека кредити чиққунга қадар сақланади.
8	Харидор-1	муддатсиз	0%	Истеъмол кредити учун мўлжалланган бўлиб, омонат кредит чиққунга қадар сақланади.
9	Манфаатли	18 ойга	18% гача	Омонатга ҳисобланган фойзлар 1 ойдан сўнг ҳақиқатда турган давр учун 16% дан тўланади. Омонат 13 ой турса 17% ва 18 ой тўлиқ турса бутун давр учун 18% ҳисобланади.
10	Зийнат	6 ойгача	15%	Омонатга ҳисобланган фойзлар 1 ойдан сўнг ҳақиқатда турган давр учун тўланади.
11	Умид	13 ой	16%	Фойзлар ҳар ойда эки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.
12	Мангу	12 ой	14%	Фойзлар ҳар ойда эки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.
13	Баҳор	18 ойгача	18% гача	Омонатга ҳисобланган фойзлар 3 ойдан сўнг ҳақиқатда турган давр учун тўланади. Омонат 6 ойгача турса 16%, 12 ойгача турса 17% ва 18 ойгача турса 18% ҳисобланади.
<b>Чет эл валютасидаги омонатлар (АҚШ долларларида)</b>				
14	Талаб қилиб олингунча	чекланмаган	0%	Бир марталик тўловлар учун ва қўшимча шартларсиз очилади.
15	Mobile-usd	3 ой	4%	Омонатга ҳисобланган фойзлар ҳар ойда омонатчининг талаб қилиб олингунча омонатига ўтказиб берилади. Омонат фақатгина "Asaka Mobile" мобил иловаси орқали қабул қилинади ҳамда масофадан туриб бошқарилади. Минимал 100 АҚШ доллари.
16	Эlegant	6 ой	4%	Фойзлар ҳар ойда эки омонат ёпилгандан сўнг берилиши мумкин.
17	Фойдали	12 ой	4,5%	Фойзлар ҳа ойда эки омонат ёпилгандан сўнг берилиши мумкин.
18	Мадад	3 ой	4%	Фойзлар омонат муддати тугаганидан (3 ойдан) сўнг берилади.
19	Инвестиция	25 ойгача	5%	Омонатга ҳисобланган фойзлар 1 ойдан сўнг ҳақиқатда турган давр учун тўланади.
<b>Чет эл валютасидаги омонатлар (ЕВРОда)</b>				
20	Барқарор	12 ой	4%	Фойзлар омонатчининг хоҳишига кўра ҳар чорада эки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.



www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

ИНСОН  
ҚОНУН

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
руйхатга олинган

ISSN 2010-7697



МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minqust.uz

Бош  
муҳаррир

Кўчқор  
НОРҚОБИЛ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқуллов Ақбар Жўрабоевич  
Рабиёв Шерзад Миржалилович  
Тожиёв Фурият Шомуродоевич  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустановна  
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Тахририятга келган  
қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Мадина Ҳамдамова  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер базисда терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ЎЗА  
суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 12202  
Бюроғи — V-3246  
Тошпириш вақти — 19:00  
Тошпирилди — 22:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш.  
Сайилгоҳ кўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23,  
(0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоси келишилган нарҳда  
1 2 3 4 5